

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 2019 йил 22 декабрда ўтказилган сайловлар бўйича округ сайлов комиссияларининг сайлов натижаларини аниқлаш тўғрисидаги баённомаларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 73, 96, 97-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2019 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 125 та сайлов округларидан сайланган депутатлар иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

Раис

М.АБДУСАЛОМОВ

2019 йил 25 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2019 йил 25 декабрдаги 1015-сонли қарорига 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Қашқадарё вилоятдан
сайланган депутатлар
РЎЙХАТИ
Қашқадарё вилояти бўйича

Сайлов округининг номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили ва жойи	Депутатнинг номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг номи	Иш жойи ва лавозими
125-Қарши	Зайниев Фарход Нуриддинович	1981 йил Қарши шаҳри	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси	Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Қашқадарё вилояти бўлими бошқарувчиси
126-Бешкент	Бекмуродов Бобур Мансурович	1985 йил Яккабоғ тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ижрочи директори
127-Қамаши	Қосимов Жамшид Нортोजиевич	1987 йил Қамаши тумани	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг иқтисодий таҳлил ва молия бошқармаси бошлиғи
128-Нишон	Умиров Абдуғани Эргашевич	1964 йил Дехқонобод тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси
129-Косон	Худоярова Гульшана Бердиназаровна	1972 йил Қарши шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
130-Касби	Саидов Акмал Холматович	1958 йил Янгийўл тумани	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси
131-Китоб	Эргашев Кахрамон Файзуллаевич	1964 йил Китоб тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
132-Чироқчи	Хушвақтов Ислон Нортосевич	1967 йил Фузор тумани	Ўзбекистон Экологик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
136-Дехқонобод	Хаитов Ақтам Ахмадович	1974 йил Китоб тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
137-Муборак	Хушвақтова Махфурат Джаббаровна	1973 йил Қарши шаҳри	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Қашқадарё вилояти она ва бола скрининг маркази бош шифокори
138-Кўқдала	Назаров Шарофиддин Хакимович	1960 йил Чироқчи тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Миллий университети профессори

2020 йил 5 январь куни 133-ШАҲРИСАБЗ, 134-ЯККАБОҒ
ВА 135-ҒУЗОР САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ
ЎТКАЗИЛАДИ

2019 йил 25 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида" қарор қабул қилди.

Мазкур қарорга асосан мамлакат бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 25 та сайлов округларида такрорий овоз бериш 2020 йил 5 январь - якшанба куни ўтказилиши белгиланди.

Қарор билан тасдиқланган 2020 йил 5 январь

куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича такрорий овоз бериш ўтказиладиган сайлов округлари рўйхатига Қашқадарё вилояти бўйича 133-Шаҳрисабз, 134-Яккабоғ ва 135-Ғузор сайлов округлари киритилган.

Қарорда бегиланганидек, Сайлов кодексининг 59-моддасига мувофиқ такрорий овоз бериш сайлов округи бўйича энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича ушбу округда, асосий сайловни ўтказиш учун тузилган ўша сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ўтказилади.